ЧИНГИЗТЕПА 2 ЁДГОРЛИГИНИНГ ИЛМИЙ МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАРИ

Чубалова Гавхар
Термиз археология музейи катта илмий ходими

Received: 10.09.2025
Revised: 12.09.2025
Accepted: 15.09.2025
Ключевые слова:
Чингизтепа, Марказий Осиё, Эски Термиз, Тармита, Фарғона, Шош, Зарафшон.

Аннотация. Ушбу мақолада Чингизтепа саройида олиб борилган тадқиқотлар ҳамда мазкур ёдгорликдан топилган оид ашёлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилади. Шунингдек, Иншоотнинг қачон вайрон этилганлиги мунозарали масаладир. Аммо сарой коридорининг ғарбий томонидан топилган Кушон Сосонийлари тегишли танга иншоотнинг милодий III асрнинг охирги чорагида вайрон қилинганлигига ишорадир. Умуман Чингиз тепа 2 ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар ўз якунига етгани йўқ. Шунинг учун 2024 йилда қазиш ишлари ёдгорликнинг ибодатхона ва сарой қисмларида давом эттирилади.

Тарихий манбалар ва археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Термиз шаҳрининг асл жойлашуви ҳақидаги савол ниҳоят ҳал қилинди. Баъзи олимлар илгари ўйлаганидек, шаҳар Чингизтепада емас, балки кейинги ўрта асрлар цитадели жойлашган ҳудудда бўлганлиги аниқланди. Айнан шу йерда, тахминан 10 гектардан ортиқ майдонда, девор билан ўралган қадимий шаҳар жойлашган. Амударёга яқин ҳудуддаги шаҳарда амалга оширилган чуқур археологик қазишмалар шуни кўрсатдики, қадимий шаҳарнинг ўзида ва унга ёндош, зич жойлашган қисмида маданий қатламлар 9 метрдан ортиқ чуқурликка йетади. Шу билан бирга, қулдорлик даври шаҳрининг маданий қатламлари қалинлиги бўйича уларни қоплаган феодал даври қатламларидан бир неча баробар ошиб кетиши каби қизиқарли факт ҳам аниқланди[1].

“Чингиз тепа” номи билан машҳур бўлган ёдгорлик Амударёнинг ўнг қирғоғида Пайғамбар оролидан юқори оқим бўйлаб жойлашган. Баланд қоясимонтепалик устида жойлашган ёдгорликнинг майдони 8 гектар, 4000

[1] М. Е. МАССОН. РАБОТЫ ТЕРМЕЗСКОЙ АРХЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЛЕКСНОЙ ЭКСПЕДИЦИИ (ТАКЭ) 1937 и 1938 гг. с-9.

метр квадрат ҳудудни ишғол қилган. Чингизтепа ёдгорлигини қадимда Тармита Термиз шаҳрини суғориш учун ўтказилган канал икки қисмга ажратиб туради. Ҳозирги пайтда бу каналнинг ёдгорликдан юқорида жойлашган қисмини Амударёга олиб чиқадиган замонавий йўл эгаллаган.

Эрамиздан аввалги 140 -128 йиллар оралиғида Шарқий Туркистон ҳудудларида истиқомат қиладиган юечжи қабилалари Усун қабибалари билан тўқнашувдан сўнг Ўрта Осиё ҳудудларига бостириб кирадилар.Юечжилар Фарғона, Шош, Зарафшондан сўнг Бақтрия (Дахья ёки Дасья) ҳудудига Сувсиз ва саримас тоғлари орқали бостириб кирганлар. Юечжиларнинг Бақтрияга бостириб кирган қисми Да Юечжи деб аталган. (Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия Тохаристан.Т.,1990. Стр.45-46). Бу қабилалар милодий I асрга қадар Гуйшуй (Амударё)гача бўлган ҳудудларни ишғол қиладилар ва дарёнинг ўнг қирғоғида ўз қароргоҳларини барпо этганлар. Бир гуруҳ тадқиқотчилар Хитой манбаларида юечжи деб номланган мазкур қабилар ўзларини “рўзийлар” деб атаганликлари ҳақида фикрларини илгари суришмоқда. Бу қабилаларни ҳиндлар “тохарлар” деб атаганликлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.(Аннаев Т.Ж.,Аннаев Ж.Т .,Арзиев К.,Рахматуллаев А. Шимоли ғарбий Бақтриянинг эрамиздан аввалги II асрнинг тўртинчи чораги Іасри археологиясининг баъзи масалалари. Ўзбекистон археологияси. 2021.№2.10-15).

Чингизтепа ёдгорлиги юқорида қайд этилган қароргоҳ ўрнига локализация қилинмоқда.Аннаев Ж., Аннаев Т., Бобоева С. Арал Пайгамбар - остров Пророка как важныйстратегический и перевалочно-торговый пункт в бассейне Окса-Амударьи //Археология Узбекистана. 2016 №1(12) . С.111-120). Чунки ҳозиргача Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган, мустаҳкам мудофаа деворлари ва тўғрибурчакли буржлари, чуқур хандақлари , иккита ибодатхона ва саройга эга бўлган ёдгорлик маълум эмас. Бу ёдгорлик ўзининг археологик топилмалари ва қурилиш жиҳатлари, стратегик аҳамияти билан манбаларда қайд этилган қароргоҳ ўрнига тўғри келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Чингизтепа ёдгорлигида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари манбаларда илгари сурилаётган фикр ва мулоҳазаларни археологик жиҳатдан асослашга хизмат қилади.

Сарой (А иншоот) Чингиз тепа 2 ёдгорлигининг катта қисмини эгаллайди. Бу ҳудудда 1999 йилдан бошлаб археологик қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Замонавий вайронагарчиликка қарамасдан, ёдгорликнинг харобалари шимолдан жанубга 80 метр, шарқдан ғарбга 40 метргача сақланиб қолган.

Ибодатхона (Б иншоот) ёдгорликнинг шимоли ғарбий қисмида , Эски Термиз каналининг Амударё (Окс) га қуйилишида жойлашган. Унинг ғарбий томондаги қисми Собиқ Совет тузуми даврида вайрон қилинган. Ибодатхонанинг қолдиқлари шарқдан ғарбга 30 метр, шимолдан жанубга 25 метрни ташкил этади.

2023 йил ёдгорликнинг сарой қисмида олиб борилган қазишма ишлари қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- Саройнинг шарқий томондаги чегарасини аниқлаш;
- Иншоотнинг пайдо бўлган даврини аниқлаш мақсадида сарой коридорининг шарқий томонида шурф қазиш;
- Иншоотнинг кўпроқ вайрон этилган ғарбий деворлари ва жанубга йўналтирилган иншоот қолдиқларини ўрганишга қаратилган;
- Иншоотнинг турли даврларда барпо этилган деворларининг меъморий ечимини топиш ва қурилиш даврларини аниқлаш.

Бу вазифаларга кутилмаганда ибодатхонанинг сарой девори билан туташ деворларини аниқлаш масаласи қўшилди. Чунки саройнинг ғарбий томонидаги деворлари ибодатхона қурилиши билан қўшилиб кетган эди.

Ибодатхонанинг шимолий, ғарбий ва жанубий деворлари бўйлаб қазиш ишлари олиб борилди. Чунки сарой коридоридан топилган архитектура декорлари, қурилиш тош блоклари ёдгорликнинг қайси қисмидан олиб келтирилганлиги аниқланмаган эди. Шу мақсадда ибодатхонанинг пайдо бўлган даври, иншоотнинг қурилиш даврлари, мақсад ва вазифаларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга эди.

Сарой (А иншоот) да олиб борилган қазишмалар.

1.Саройнинг ички қисмидаги қазишмалар.

Маълумки, сарой қолдиқлари 1970 йилларда собиқ Иттифоқ ва Афғонистон ўртасидаги уруш даврида ҳарбий зонага айлантирилган ва кўп зарар топган қисм ҳисобланади. Иншоотни сақлаб қолиш учун унинг қурилиш даврларини, чегарасини, мақсад ва вазифалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз зарур эди.

Иншоотнинг қурилиш босқичларига аниқлик киритиш мақсадида ички хоналарида қазишма ўтказилди.(расм 5). Иншоотнинг қурилиш ваинқироз даврларини аниқлаш учун коридорнинг шарқий бурчагида шурф қазилди (расм 6). Шурфнинг кўлами 1,50 м х 2 м ни ташкил этиб, 1 метр чуқурликда 5 та қатлам аниқланди. Қатламларнинг ҳар бири материкдан олинган қумтош массаларидан иборат бўлиб, уларнинг барчасида сопол буюмларнинг бўлаклари, ҳайвон суякларининг синиқлари ва оҳактош бўлаклари, ёғочнинг куйган кўмирлари учрайди. Коридордаги бу ҳолат ҳар бир даврда саҳн такрор такрор тўлдирилиб борилган. Коридорнинг (М51) рақамли шимолий деворининг тагидан бронза танга топилди. (23.878.101). (расм 6).

Диққат билан кузатиш натижасида коридорнинг марказий ўқи шимолда жойлашганлиги аниқланди. Демак, коридорнинг ғарбдаги кириш қисмидаги зина сифатида фойдаланилган тош блоклари марказий ўққа нисбатан ассиметрик тарзда жойлашганлигини кузатиш мумкин. Бу зина иншоотнинг сўнгги даврида фойдаланилган.

Р3 ва Р4 хоналаридаги қазишма баёни.

Мазкур хона саройнинг ғарбий томонида жойлашган бўлиб, тарҳда тўғрибурчакли кўринишга эга. Ўлчовлари 12,80 м х3,10 м ни ташкил этади. Илгариги қазишмаларда бу хонанинг икки қисмга бўлинганлигини ҳисобга олиб, пландаги кўринишда “Р3/4” рақами билан киритилган. Аслида қадимги даврда бу хона катта зал кўринишида бўлган. Унинг икки қисмга бўлиниши кейинги даврга тўғри келади. Бу хона пилястрли деворнинг ортида жойлашган.

Хона ғарбий девори ҳам томонлари 46 см бўлган хом ғиштлардан барпо этилган. Деворнинг сиртида “Т” образли еттита пилястр жойлашган. Уларнинг ораси 1,40 метрни ташкил этади. Пилястрлар хом ғиштдан барпо этилган. Улар аввал лой билан, сўнгра бир неча марта ганч билан сувоқ қилинган. Унинг қайта таъмирланганлигини инобатга олсак, пилястрли иншоот ҳам анча узоқ вақт фаолият кўрсатганлигини тасаввур қилиш мумкин (расм 7).

Р3/4 хонасининг шарқий девори (М8) бўйлаб 2,50х1м ўлчамда қирқма очилди. Сўнгра унинг разрези 2 метрга кенгайтирилди.Хона пахса пойдеворнинг устида барпо этилган. Пахса устида саҳнни текислаш мақсадида пол сувоқ қилинган. Мана шу саҳндан сопол буюмларнинг бўлаклари топилди. (расм 8). Даҳлиздан шимолда жойлашган Р 1

хонаси тозаланиб, ундан Р 5 хонага ўтадиган коридор аниқланди. Бешинчи хона ҳам замонавий қурилган девор (М12) билан икки қисмга ажратилган. Унинг шимолида L- шаклидаги коридор мавжуд. Йўлак ғарбга бурилиб,Р3/4 хонасига қўшилади.

Бешинчи хонанинг жанубий қисми тўғрибурчакли тарҳга эга бўлиб, ўлчами 5,40 м х 2,70 м ни ташкил этади. Хонанинг жануби шарқий бурчаги собиқ Иттифоқ даврида ҳарбий майдонча қилиш мақсадида экскаватор билан қазилган. Хонанинг пол саҳнида ҳозиргача трактор тишларининг изларини кўриш мумкин. Яқин орада икки қисмга ажратилган бешинчи хонанинг қурилишига ўзгартириш киритилган
(расм 9). Чунки иншоот қурилишига токчасимон қўшимча элементлар қалинлиги 90 см лик чиқинди қатлам устида жойлашган. Бу қатлам пахса пойдевор устида жойлашган. Бу қурилмаларда антик давр материаллари такрор ишлатилган.

М 12 девори кушон даврига оид бўлиб, томонлари 36 см ни ташкил этувчи хом ғиштлардан барпо этилган. Деворда олти қатор хом ғиштлар сақланиб қолган. Девор ғарбдаги М 8 деворига тақаб қурилган. Улардан биринчи рақамли контрофорснинг қалинлиги шарқдан ғарбга 80 см ни, шимолдан жанубга 1 метрни ташкил этади.(расм 9). Биринчи қурилма бузилганда унинг тагидан замонавий матонинг бўлаклари топилди. Бу қурилмалардан аскарлар қурол яроғ сақлайдиган токча сифатида фойдаланишган.

Адабиётлар

1. М. Е. Массон. Работы Термезской археологической комплексной экспедиции (такэ) 1937 и 1938 гг. с-9.
2. Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши // Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 11-12.
3. Пидаев Ш.Р. Қадимий Термиз. – Тошкент. Фан, 2001. – Б. 5–6.
4. Пидаев Ш.Р. Қадимий Термиз. – Тошкент. Фан, 2001. – Б. 6–7.
5. Аннаев Т., Норматов У. Буюк йўллар чорраҳасидаги қадимги Кент / Янги Ўзбекистон газетаси. 2020 йил 10 декабрь. № 238.
6. Аннаев Ж.Т.Тармита-Термиз буддавийлик ёдгорликларининг вазифаларига доир. ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР / ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ / HISTORICAL RESEARCHES. - № 3, 2024